

# **БАДИЙ ОБРАЗ ЯРАТИШДА ЛИСОНИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ**

**Санобар УЛЛИЕВА**

мустақил изланувчи

Урганч давлат университети

Урганч, Ўзбекистон

[ullievasanobar@gmail.com](mailto:ullievasanobar@gmail.com)

## **Аннотация**

Мақолада бадий асарда образ яратишнинг усул ва воситалари, персонаж характерини ифодалаш йўсинглари ўрганилган. Хусусан, Ў.Хошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасидаги она образини яратишида нутқ экпрессивлигини ошириш ёки нутқга ҳиссий хусусият бериш учун ишлатилган эмоционал бўёқдор, шевага хос, тарихий ва архаик сўзлар, шунингдек ибора ва мақол каби лисоний бирликларнинг вазифалари қўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** лисоний бирлик, бадий образ, характер, антропоцентрик тилшунослик.

## **ФУНКЦИИ ЯЗЫКОВЫХ ЕДИНИЦ В СОЗДАНИИ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ОБРАЗА**

**Санобар УЛЛИЕВА**

самостоятельный соискатель

Ургенчский государственный университет

Ургенч, Узбекистан

[ullievasanobar@gmail.com](mailto:ullievasanobar@gmail.com)

## **Аннотация**

В статье рассматриваются методы и средства создания художественного образа, способы выражения характера персонажа. В частности, рассматриваются задачи таких языковых единиц, как выражения и пословицы, а также эмоциональная окраска, типичные диалектные, исторические и архаичные слова, которые используются для усиления выразительности речи или придания речи эмоционального характера при создании образа матери в повести У. Хашимова “Дунёнинг ишлари” (“Дела мирские”).

**Ключевые слова:** языковая единица, художественный образ, характер, антропоцентрическая лингвистика.

Тилни мутлақ ўзлаштиришга, ундан имкони борича унумли фойдаланишга интилаётган инсонни ўрганиш нуқтаи назаридан XXI аср – антропоцентрик тилшунослик равнақ топган даврга айланди. Соҳада юз

бераётган туб ўзгаришлар натижасида жаҳоннинг етакчи олимлари томонидан тил инсонга қарам бўлмаган мустақил тизим сифатида эмас, балки “антропологик феномен” сифатида кўрилаётганлиги антропоцентризм замонавий лингвистиканинг муҳим аломати эканлигидан далолат беради [2]. Тилшуносликда устуворлик ўзгаргани, лингвистик изланишларда янги стратегияларнинг ишлаб чиқилиши тил ва лисоний тадқиқотлар принципларига нисбатан амалда бўлган қарашлар тизимини ўзгартириди ва соҳада янги илмий парадигмани шакллантириди. Д.Худойберганова ҳақли тарзда таъкидлаганидек, “Матнга фақат тил тизими унсурларининг нутққа кўчирилиши жараёни маҳсули сифатида эмас, балки ижтимоий қимматга эга бўлган мулоқот шакли, ўзида муайян интеллект эгасининг билимларини, лисоний тафаккурини акс эттирувчи ментал қурилма сифатида қарала бошланди” [5; 5].

Бундай ўзгаришлар олимлар диққат-эътиборини лингвопоэтика ва психолингвистикага, образ яратишнинг лисоний шахс ва нутқий портрет сингари жиҳатларига қаратмоқда. Когнитив тилшунослик, матн лингвистикаси, прагмалингвистика, лингвокультурология, психолингвистика каби йўналишларда инсон омили тадқиқот обьектига айланиши шунинг ортидан юз бермоқда. Айниқса, бадиий матнда инсон ва унинг нутқини лингвопрагматик, лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этиш тилшуносликни янги сифат босқичига кўтармокда. Шу жиҳатдан қаралганда, сўз санъатининг асосий ифода воситаси саналадиган бадиий образларнинг яратилиш йўллари ва усулларини тилшуносликнинг бугунги ютуқлари асосида ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Ҳар қандай бадиий асарнинг таъсирчанлигини унда қўлланилган бадиий тасвир воситалари таъминлайди. Уларсиз бадиий асар қуруқ ва зерикарли бўлади. Китобхон учун асарда қаламга олинган воқеаларгина эмас, балки, воқеалар қандай ифодалангани ҳам аҳамиятлидир. Ёзувчининг маҳорати бадиий тасвир воситаларини қай даражада ишлата олишига боғлиқ бўлади. Бинобарин, инсонни руҳан тўлқинлантириш, йиғлатиш, кулдириш,

хаёлот оламига етаклаш, ўйга чўмдириш, эстетик тафаккурини шакллантириш, воқеа-ҳодисаларга теран, бошқача назар билан боқишига ўргатиш каби кўплаб имкониятларни ўзида мужассам қилган бадий матн, маълумки, бадий услуг талаблари, қолиплари асосида шакллантирилади, шунинг учун унда поэтик, романтик, тантанавор ифода шаклларидан кенг фойдаланилади. Сўзларнинг танланиши, гап тузилиши, лексик-семантик, ритмик-интонацион бирликларнинг қўлланиши ҳам мазкур услуг талабларидан келиб чиқади. Бадий матннинг лисоний хусусиятларидан энг муҳими ҳам шундаки, унда эмоционал бўёқдор сўзларга, шева сўзларига, тарихий ва архаик сўзларга, жаргон ва арголарга, кўчма маъноли сўзларга, маънодош, шаклдош, ўхшаш талаффузли ва зид маъноли сўзларга, шунингдек ибора, мақол-матал ва афоризм каби бирликларга кенг ўрин берилади [1; 3]. Бадий асарларда ёзувчилар қўллаган лексик-семантик ва стилистик воситалар таҳлили орқали шахс (адабий қаҳрамон) образини яратишдек лисоний жиҳатларни ўрганиш илмий зарурат ҳисобланади.

Тилшуносликнинг асосий қизиқиши объекти саналадиган бадий образ яратишнинг усул ва йўсинлари ҳозир амалда бўлган антропоцентрик илмий парадигма доирасида тадқиқ этилиши кутилган натижалар бериши аниқ. Шу маънода, ўзбек адабиётида ўзининг бадий маҳорати, таъсирчан образлар яратишдаги оригиналлиги, сўз ва иборалар қўллашдаги ўзига хос услуби билан алоҳида ажralиб турадиган ёрқин ижодкор Ўткир Ҳошимов насли тили ва унинг лигвопоэтик ва психолингвистик хусусиятларини монографик йўсинда маҳсус ўрганиш долзарб ҳисобланади. Шунингдек, персонаж образини ифодалаш ва тасвирлаш тамойилларини тадқиқ этиш бадий асарларда замондошларимиз образини яратишдаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаш, ижодкор услуби, муаллифлар ишлатган тил бирликлари тизими функцияларининг ўзига хослиги хусусидаги тасаввурларни чукурлаштириши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Муайян адиллар ижодида лисоний бирликларни ишлатиш хусусиятлари тадқиқотчилар томонидан кўплаб аспектларда турли методик

ёндашувлар асосида ўрганиб келинмоқда. Буни уч гурухга бўлиб, бадий асар тилининг лексик-грамматик, тил бирлигининг лингвостилистик ҳамда лингвопоэтик хусусиятини ўрганиш тарзида номлаш мумкин. Шунингдек, ўзбек тилшунослигида кейинги йилларда муайян бир ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳорати, ёзувчининг у ёки бу тил сатҳи бирликларини кўллашдаги ўзига хослигини муфассал кўрсатишга бағишиланган кўплаб тадқиқотлар юзага келди. Аммо бу йўналишдаги тадқиқотлар доираси нечоғлик катта бўлишига қарамасдан, улар адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутадиган жиҳдий асарларнинг барчасини қамраб олган деб бўлмайди. Айтиш жоизки, бадий тилни ўрганишда кўпроқ лексик бирликлар лингвопоэтикасига эътибор қилинганлиги кўзга ташланади.

Ижодкор маҳорати унинг лисоний бирликларни ўз ўрнида қўллай олиш сирларидан яхши хабардорлигида кўринади ва тил имкониятларидан, ранг-баранг тасвирий воситалардан самарали фойдаланишида намоён бўлади. Замондошларимиз турмуш тарзини, ўй-фикрларини бадий ёритишнинг ўзига хос намунаси бўлган насрый асарларда ўзбек тилининг лисоний имкониятларидан юксак даражада фойдаланилган. Бадий асадаги персонажлар образининг прагматик ва синтагматик хусусиятлари умумий меъёр асосида юзага чиқар экан, ижодкорнинг индивидуал маҳорати, бир томондан, бадий нутқнинг ифода имкониятларини кенгайтирса, иккинчи томондан, луғат бойлигининг маълум даражада ортишига хизмат қиласди. Ўткир Ҳошимов қисса ва романларининг айни шу жиҳатлар бобидаги ўзига хослигини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Инсоннинг воқеликни идрок этиш ва ўзлаштириш усулларидан бири саналадиган бадий ижод асосида эстетика тамойили ётади: санъат воқеликнинг баҳоловчи-когнитив акси хисобланади. Бадий образ – тил ижтимоий моҳиятининг энг улкан ютуқларидан бири бўлиб, ижодий ният ва тасвирланаётган воқеликка муносабатни янада самарали ва ҳиссий-экспрессив ҳаққонийлик билан етказиш имконини беради.

А.И.Федоровнинг фикрича, “Образ – бирор-бир ҳодиса, воқелик фактининг бадиий шаклда ифодаланган визуал тасвири; фактларни, воқелик ҳодисаларини фотографик акс этиришдан фарқли ўлароқ, бадиий образда муаллифнинг тасвиirlанаётган нарсага муносабатини етказиш учун ҳодисаларнинг кўплаб белгилари тахмин қилинади, ўзgartирилади, бўрттирилади. Бошқача айтганда, образ воқелик ҳодисаларининг айнан инъикоси эмас, унда муаллиф фикрини узатиш мумкин бўлган белгилар атайлаб гавдалантирилади ва узатилади [8; 28]. “Рассом образлар орқали фикр юритади”, “Санъат – бу воқеликнинг ҳиссий образлар шаклида акс этишидир”, “Образ – бадиий ижоднинг фундаментал асосидир” каби ибораларни эстетика, адабиётшунослик, бадиий нутқ стилистикасига оид ҳар қандай тадқиқотда учратиш қийин эмас. Уларнинг ҳеч бири эътиroz үйғотмайди, аксинча барчаси, умуман олганда, асарда мужассамлашган бадиий тафаккурнинг ўзига хос хусусиятларини таъкидлайди.

Юқоридаги барча фикрлар “образ” сўзининг асосий, умумэстетик маъносини ифодалайди: “санъатда нафосат – ғояни намоён қилиш орқали воқеликни индивидуал тасвиirlашдир” (Гегель). Демак, образ – бу умумийликни бирлик орқали, мавхумни конкрет орқали, номоддий нарсани ҳиссий-визуал, сезиш орқали тасвиirlашдир.

Бадиий нутқ яратилиши ва мавжудлигининг шарти унда муаллиф шахсий дунёқарашининг акс этиши бўлганлиги сабабли, унда сўзлар ўртасидаги ассоциатив алоқаларининг роли кескин ошади, сўз қўшимча маъно билан тўйинади, матн қўшимча семантик ва эмоционал сифимга эга бўлади.

Матн таркибий бирликлари ҳамда уларни ташкил этишнинг алоҳида мазмуний ва ҳиссий юки туфайли хабарни кўпайтирмасдан қўшимча маълумот ташиш қобилияти бадиий матннинг ўзига хос хусусиятларидан бири саналади [4; 24-25].

Асардаги бадиий образларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги унинг образли тизимини ташкил қиласди. Қаҳрамонлар, табиат, нарсалар

образи матнда бир вақтнинг ўзида амалга оширилмайди, улар бир сўз ёки бир иборада жамланмайди, балки аста-секин шаклланади, асар воқеаларининг ривожи давомида алоҳида элементлар бир маҳражга тўпланади. Бундай умумэстетик образларни яратилиш ва идрок этилишига кўра умумлаштирувчи (йигма, терма, синтетик) деб аташ мумкин. Уларнинг ривожи ва ўзаро таъсири бадиий асар структурасини ташкил қиласиди. Улар муайян контекстдаги жойлашувига қараб, сўздан иборат образлар асосида шаклланади [4; 22].

Айнан бадиий матнда ўқувчига таъсир ўтказиш, унда маълум ҳистуийғуларни, эмоция ва ассоциацияларни уйғотиш учун турли тасвирий ва ифодали тил воситаларидан кенг фойдаланилади. Тилнинг тасвирий ва ифодали воситалари одатда нутқ фигуралари деб аталади. Демак, сўзлар, ибора ва гапларнинг фигурали (образли) маънода қўлланилишини тилнинг тасвирий воситалари дейиш мумкин. Маъно кўчиришнинг турли хил кўринишлари стилистикада троплар деб аталади (юонча *tropos* – “бурилиш”).

Тилнинг тасвирий воситаларига сўз ёки иборалар маъносини узатиш билан боғлиқ бўлмаган, аммо нутқ экспрессивлигини ошириш ёки нутқга ҳиссий хусусият бериш учун ишлатиладиган нутқий усулларни ҳам киритиш мумкин. Бунда тил даражаларининг барча бирликлари иштирок этади. Шу тариқа, аллитерация, ассонанс, ритм, метр ва шеърият учун зарур бўладиган бошқа ҳолатларда фонетик даража бирликлари актуаллашади. Морфема даражаси морфемаларнинг янги бирикмалари, уларнинг такрорланиши билан ифодаланади. Морфологик даражадаги образли воситалардан фойдаланишга мисол сифатида муайян юклама, жумла тузишда ишлатиладиган синтактик воситалар – параллелизмлар, антitezалар ва нутқни тизимли ташкил этишнинг бошқа шаклларини келтириш мумкин.

Стилистик воситаларнинг тасвирий ва ифодавийга умумий бўлиниши нисбий бўлиб, охир-оқибат тасвирий воситалар ҳам экспрессивликни ташийди, яъни ифодавий функция бажаради [3; 7].

Бадий матнинг асосий вазифаси ўқувчига эстетик таъсир кўрсатишdir. Муаллиф китобхонда хис-туйғуларни, эмоция ва ассоциацияларни уйғотишига интилади ва шу мақсадда айнан бадий матнда тилнинг турли тасвирий ва ифода воситаларидан кенг фойдаланилади.

Ҳар қандай бадий асарда китобхон кўз ўнгида муайян қирраларга эга шахс сифатида гавдаланадиган бош қаҳрамон образи яратилади. Бундай образ деганда биз Е.А. Гончарова таклиф этганидек, “матн умумий бадий тузилишининг бир қисмини..., умумий семантик нуқта орқали бир-бири билан боғланган портрет эскизлари, эпизодлар, ҳаракатлар ва ички ҳолатларнинг тавсифини” тушунамиз [6; 87]. Бадий асарда ҳар бир персонаж, шу жумладан бош қаҳрамон ҳам кўпроқ даражада индивидуал хусусиятларни олади. Шу билан бирга, ёзувчи қаҳрамоннинг ташки кўриниши билан бирга унинг ички дунёсини ҳам тасвирлайди. У, табиийки, дунёга, теварак-атрофдаги нарсаларга нисбатан ўз қарашига эга бўлади. Қаҳрамон инсониятнинг асосий қадриятларига ўхшаш ўзига хос қадриятлар тизимиға эга. Нутқ нуқтаи назаридан ёзувчи ўз қаҳрамонининг ўзига хос луғат бойлигини яратади. Шундай қилиб, асар қаҳрамони ўз фаолиятида намоён бўладиган барқарор қирралари билан ажralиб туради, ўзига хос хусусиятга эга шахс сифатида ҳаракат қиласи.

Бадий асарларда инсонлар образи доимо мавжуд бўлиб, баъзи ҳолларда эса уларнинг ўхшашлари: инсонийлаштирилган ҳайвонлар, ўсимликлар ва нарсалар ўқувчиларнинг диққат марказида бўлади. Бадий асарларда инсон иштирокининг турли шакллари мавжуд. Бу ҳикоячи-ровий, лирик қаҳрамон ва инсонни тўлиқ ва батафсил тасвирлашга қодир персонаж бўлиши ҳам мумкин. Француз тилидан олинган “персонаж” атамасининг келиб чиқиши лотин тилига бориб тақалади. Қадимги римликлар «persona» сўзи орқали актёр кийган ниқобни, кейинчалик эса санъат асарида тасвирланган юзни белгилаш учун ишлатган. Бу атаманинг синоними сифатида ҳозир “адабий қаҳрамон” ва “характер” иборалари мавжуд. Бироқ, бу иборалар қўшимча маъноларни ҳам ўз ичига олади: “қаҳрамон” сўзи

тасвириланган шахснинг ижобий роли, ёрқинлиги, ғайриоддийлиги, эксклюзивлигини таъкидлайди, “характер” ибораси эса образнинг асосан ҳаракатларда ўзини намоён қилишини билдиради.

Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» номли қиссасида оила муҳити, тенгдошлар сафи, қўни-қўшнилар қуршови ҳақида ўта ҳаётий ва ишонарли чиққан образлар тизими орқали батафсил маълумот оламиз. Бу образлар ёзувчи қаламининг кучи билан ва жозибали акс эттирилади. Бироқ ёзувчи ўзини биринчи планга чиқармайди. Асадаги воқеа ва ҳодисаларни фақат ўзи билан боғлайвермайди. Қиссанинг ҳар бир бети, ҳар бир жумласи марказида улуғ инсон – она образи, унинг ёрқин қиёфаси туради. Ўзбек адабиётида бу даражада тўлиқ ва батафсил ёритилган она образи деярли учрамайди. Қиссада она қиёфаси китобхон кўзи олдида ўзининг сонсизсаноқсиз жилолари билан намоён бўлади. Ҳар бир эпизодда олдинги хислатлари такрорланмайдиган она образи қад кўтаргандек туюлади. Асар бошларидағи битта детални мисол тариқасида олайлик: она-бала хаёл суриб, ой ва юлдузларни кузатишади. Ўғил бепоён осмондаги юлдузлар орасидан етти оғайни орасидаги энг ёруғини танлайди. Онаси эса, бир чеккада етим боладек ёлғиз турган, кичиккинасини танлайди. Шугина деталда ўзбек оналарига хос хусусият – боласи тўқ бўлиши учун ўзи ҳам емай унга кўпроғини бергандек, юлдузнинг ҳам «энг ёруғини» бағишилаётгани акс этади.

Яхши ва ёмонни болага онадан яхшироқ ҳеч ким тушунтира олмаслигини бошқа бир мисолда кўришимиз мумкин: «Шундай қилиб, офтоб бор экан. Лекин ер юзига ҳеч ҳам чиққиси келмас экан. Ҳар куни эрталаб Худога нола қиласкан. Ер юзида ифлос нарсалар кўп, ҳеч кўргим келмайди, дер экан. Тангри уни овитар экан. Сен чиқавергин, ер юзини ифлос нарсалардан тозалайдиган одамлар бор, дер экан. Шунинг учун ким ер юзини тозаласа, ўша энг яхши одам бўларкан» [9; 12].

Ўткир Ҳошимов яратган она образи асар ичига сочилиб кетган портретнинг эскизларини ёдга солади. Она сиймоси кўплаб эмоционал-

экспрессив маъно ташувчи деталлар ва кутилмаганда ярқ этиб эсга тушиб, ўзбек оналарининг меҳри-муҳаббатини кўз олдимизда гавдалантирувчи майда-майда тафсилотлардан қад кўтаради.

Пошша хола узоқлашиб, қарийб ёт бўлаёзган ўгай қизини не азоблар билан излаб топади. Уйга қайтгач, ўз таассуротларини қўшниларига тошириб гапиради: «Вой, ўргилай сизлардан, шундоқ қизим бор экану мен аҳмоқ билмай юрганимни қаранг! У боғ-роғлар, у оқ уй-олабаргаклар десангиз! Қўша-қўша гиламлар! Бир радиоси бор, сандиқдек келади. Қизимнинг чаққонлигини кўрсангиз. Бир пасда бир гуруч, бир гўшт қилиб чигит босгандек ош дамлаб келди. Куёвимни айтмайсизми, переводнийларнинг бошлиғи экан. У ёғи Ашхобод, бу ёғи Ленинбод – етти иқлимда кўрмаган жойи қолмабди. Бирам одобли, бирам ақлли...» [9; 97].

“Дунёнинг ишлари” қиссасида она ҳар турли вазиятда, турфа хил мухитда тасвиранади. Ўзбек тилидаги лисоний бирликларнинг бор кучи муаллиф томонидан меҳри дарё она образини яратишга йўналтирилган. Қиссада онанинг кўплаб қирраларидан бири – бағрикенглигини характерловчи бир кўриниш бор. Пошша хола йўқолган олтин зиракни қўшни хотин – сепкилли хола ўғирлаган бўлса керак деб гумон қиласди. Икки ўртада жанжал қўпади. Орадан анча вақт ўтиб ойболдоқнинг уйдан топилиши Пошша холани хурсанд қилиш ўрнига чуқур изтиробга солади. Бу оғир вазиятдан чиқиб кетиш учун ойболдоқни юзкўрмас бўлиб кетган сепкилли хола тўй қилганда, келинининг қулоғига тақиб қўяди.

Хуллас, “Дунёнинг ишлари”да она образи кўплаб лисоний воситалар кўмагида қад кўтарган. Она сиймосини бадиий жонлантиришда эмоционал бўёқдор, шевага хос, тарихий ва архаик сўзларга, шунингдек ибора ва мақол каби бирликларга кенг ўрин берилган. Ёзувчи қўллаган лексик-семантик ва стилистик воситалар жамулжами ҳақиқий ўзбек аёли – Она образининг ўта ишонарли ва реал ҳаётдагидек чиқишига хизмат қилган.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Йўлдошев М., Ядгаров Қ. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. – Тошкент: ТДПУ, 2007.
2. Кубрякова Е.С. Эволюция лингвистических идей во второй половине XX века (опыт парадигмального анализа) // Язык и наука конца ХХ века. – Москва: Ин-т языкоznания РАН, 1995.
3. Кузнец М.Д., Скребнев Ю.М. Стилистика английского языка: пособие для студентов педагогических институтов / Под ред. Н.Н. Амосовой. – Ленинград: Гос. уч.-пед. изд-вомин-ва-просвещения РСФСР, 1960. – 176 с.
4. Кухаренко В. А. Интерпретация текста: учеб. пособие для студентов пед. ин-тов по спец. «Иностр. яз.». - 2-е изд., перераб. – Москва: Просвещение, 1988. – 192 с.
5. Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – 132 б.
6. Гончарова Е. А. Когнитивно-коммуникативные параметры ситуации порождения, восприятия и интерпретации литературного текста // Язык. Текст. Культура. Studia Linguistica, XVI.– СПб., 2007. – С. 6-15.
7. Гончарова Е. А. Интерпретация литературного текста в синергетической парадигме: традиция и перспективы // Язык и текст в проблемном поле гуманитарных наук. Studia Linguistica, XVII. – СПб., 2008. – С. 227-236.
8. Фёдоров А.И. Образная речь. – Новосибирск: Наука, 1985. – 120 с.
9. Ҳошимов Ў. Танланган асарлар. II жилд: қиссалар, хикоялар, ҳажвиялар, ўйлар. – Тошкент: Sharq, 2009. – 448 б.